



* Тожикистон ҳукумати делегацияси Тошкентда

* Ботир Зокиров буюк муҳаббат соҳиби

* Қариндошга уйланиб орттирилган хасталиклар

* Хоразмда "сотилаётган" қизлар

ва бундан қизиқарли мавзулар бугунги сонда.



Туркистон

Элим деб, юртим деб,



ёниб яшаш керак

1925 йилдан чиқа
бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ «КАМОЛОТ» ЖАМҒАРМАСИ ГАЗЕТАСИ

1999 йил 9 январь Шанба.
№ 2 (144193)

ИҚТИСОДИЙ ҲАМКОРЛИК ЙЎЛИДА

Кун кеча Россия Федерацияси ҳукумати раиси ўринбосари Геннадий Куликнинг юртимизга икки кунлик амалий ташрифи бошланди.

Сафарда Г.Куликка Россия Федерациясининг МДХ ишлари бўйича вазири Борис Пастухов, Ташқи ишлар вазирининг ўринбосари Леонид Драчевский ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилаётир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов 8 январь кун Россия ҳукумати раисининг ўринбосари бошчилигидаги делегация аъзоларини қабул қилар экан, Россия ҳукумати вакилларининг ушбу сафарини Ўзбекистон Президентининг Россияга ва ўз навбатида, Россия Президенти Борис Ельциннинг мамлакатимизга расмий ташриф-лар чоғида имзоланган икки томонлама ҳужжатларининг ҳукуматлараро даражада амалда тадбиқ этилиши йўлидаги муҳим саъй-ҳаракат сифатида юқори баҳолади.

Россия Федерацияси ҳукумати раиси ўринбосари эса ўзининг йил бошидаги Ўзбекистонга дастлабки сафари икки мамлакат амалий муносабатларини янада кенг кўламли раивожлантиришнинг бошланиши эканлигига ишонч билдирди.

Россиялик меҳмонлар, шунингдек, Вазирлар Маҳкамасида, Ташқи ишлар ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирликларида бўлиб, Ўзбекистон ва Россия давлатлари ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия доирасида ўтказилган музокараларда иштирок этдилар.

Учрашувлар чоғида ҳар икки мамлакатнинг ўзаро иқтисодий муносабатларига дахлдор мавзуларда сўз борди. Хусусан, келгусида Ўзбекистон билан Россия агросаноат мажмуилари ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларини янада чуқурлаштириш, шунингдек, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо мамлакатлар иштирокида умумий аграр бозорининг барпо этилиши билан боғлиқ масалалар атрофида муҳокама қилинди.

Геннадий Васильевич Куликнинг шахсияти ҳақида тўхталадиган бўлсак, у ўзининг салкам 45 йиллик меҳнат фаолияти мобайнида бевосита қишлоқ хўжалиги соҳаси бўйича турли вазифаларда ишлаб келаётган тажрибали мутахассис эканлиги билан диққатни тортади. Айни пайтда, у - Россия Аграр партиясининг аъзоси. Г.Кулик ҳозир эгаллаб турган лавозимига Россия Федерацияси Президентининг Фармони билан 1998 йил 21 сентябрида тайинланган.

Ўзбекистонга илк марта ташриф буюрган Геннадий Куликнинг мамлакатимиз маданий ҳаёти билан яқиндан танишиши ҳам режалаштирилган. Жумладан, сафар дастури бўйича шанба кун Россия Федерацияси ҳукумати раиси ўринбосари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовор қадамжоларини зиёрат қилишни мўлжалламоқда.



Ватаннинг сергак ўғлонлари омон бўлсин

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ

* Ислоҳ Каримов 7 январь кун амалий ташриф билан мамлакатимизга келган Тожикистон Республикаси Бош вазири Яҳё Азимов раҳбарлигидаги делегация аъзоларини қабул қилди.

* Ўзбекистон Республикаси Президенти "Иби Сино халқаро жамғармасини қўллаб-қувватлаш тўғрисида" Фармон қабул қилди. Мазкур ҳужжат дунё тиббиётига улкан ҳисса қўшган шифокор, олим ва файласуф Абу Али ибн Синонинг башариётга қолдирган бой меросини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб этиш, хусусан, унинг маънавий-маърифий мероси асосида ватандошларимизни, айниқса, ёшларни тарбиялаш, бу умумбашарий меросдан чет эл фуқароларини хабардор этиш, инсонпарварлик хайрия ишларини амалга ошириш ва соғлиқни сақлаш тизими ислоҳотида фаол иштирок этишга хизмат этажак.

* 7 январь кун бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Республика Президенти Ислоҳ Каримов қатнашди. Мажлисида ташкилий масала кўрилди. "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги Қонуннинг 3-моддасига мувофиқ, Президент Ислоҳ Каримов тақдирномасига биноан мазкур комиссия аъзоси, Давлат ва жамият бошқаруви академияси проректори, профессор Нажмиддин Комилов Марказий сайлов комиссияси раиси этиб сайланди.

ЯНВАРОЙ ВА ЯНВАРБЕКЛАР

Янги йил арафасида ва унинг дастлабки дақиқаларида республикамиздаги туғруқхоналарда мингга яқин чақалоқлар дунёга келди.

Юнусобод туманининг 19-даҳасида яшовчи Наргиза Собирова 1999 йил кириб келишига ярим соат қолганда қиз кўрди. Шайхонтохурлик Шаҳноза Йўлдошева эса 4079-чи бўлиб, туман йиллик ҳисоботида яқун ясади.

Суюнчи

Унинг қизчаси 31 декабрь соат 21 дан 30 дақиқа ўтганда таваллуд топди. Муаттар Аҳмаджонова эса 1 январда ўғиллик бўлди. 1999 йил 1 январь кириб келганидан сўнг 10 дақиқа вақт ўтгач, Сирғали туманилик Малика Фозилованинг кўзи ёриди. Янги йилнинг биринчи қизчаси 4,1 килограмм вазни, соғлом бўлиб туғилди. Маликаҳон фарзандининг исмини яхши ниятлар билан Робияҳон деб атади. Орадан 10 дақиқа ўтгач, айнан шу туғруқхонада яна бир чақалоқнинг инга-ингаси оламни тутди. Сергелилик 18 ёшли Ханифа Бобоева 1 январь соат 24 дан 20 дақиқа ўтганда ўғли - Исомжоннинг илк овозини эшитди.

Илоийм, эртанги кунимиз вориси, Ватанимиз таянчи бўлган бу гўдакларнинг умри узоқ бўлсин, келгусида юртимиз ободлиги ва фаровонлигини янада оширишда фидокор инсон бўлиб етишишларини хоҳлаймиз.

Р. БОЙ, «Туркистон» мухбири

Қодиржон Шовазов 1993 йили Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтини тамомлаган. 1996 йилда институтда «Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини механизациялаш» мутахассислиги бўйича аспирантурага қабул қилинган.

Номзодлик диссертацияси мавзуси: «Ўриб фарланган ғаллани янгиш учун комбайнни мослаш.» Мавзу бўйича 8 та илмий мақоласи чоп этилган.

Ўзбекистон Президенти аспирантлар учун давлат стипендияларининг 1999 йилги танлови ғолиби.

-- Қодиржон ака, аввало, илм йўлидаги илк муваффақиятингиз билан табриклаймиз.

-- Раҳмат. Айтганингиздек, бу нафақат мен учун, илмий ишим мавзуси, интилишларимиз учун ҳам рағбатлантириш бўлди.

-- Давлат стипендияларига даъвогар 44 аспирантдан 5 нафари ғолиб деб топилди. Зўрлар орасида зўр бўлиш қандай кечди?

-- Буни бир сўз билан ифодалаш қийин. Аввало, ёшларимиз орасида мана шундай илмга чанқоқ, фидойи йигит-қизларнинг кўплиги мени севиштирди. Бу ёшлар Президентимиз, халқимизнинг ишончига, келажакка бефарқ эмасликларини кўрсатди. Ўзим ғолиблар орасида бўлганим учун кўнглимнинг туб-тубидан устозларим -- илмий раҳбарим Т. Абдиллаев ва доцент А. Дўстқуловларга миннатдорчилик билдираман.

Сиз нега айнан агросаноат мажмуи муаммоларини танладингиз?

-- Ҳар бир касб ва соҳанинг ўз



Президент стипендиатлари

меҳвари бор. Қолаверса, одамнинг келажакда ким бўлиб етишишида оила муҳитининг таъсири мавжуд.

Менинг бу соҳани танлашимга отам муҳандис бўлганлигининг таъсири кўп

билимдонлари икки соҳада -- ишлаб чиқаришда ҳам, таълим беришда ҳам жуда зарур. Шундай экан, аспирант ўз имкониятлари, қизиқишларига, қолаверса, қобилиятларига қараб буни ўзи ҳал этади.

Мен эса, илмий ишдан сўнг қишлоқ хўжалиги амалиёти соҳасида фаолият юритмоқчиман.

Бугунги тенгқурларимизнинг жамият ривожига ҳисса қўшиш, халқ ишончини оқлаш борасида қандай камчиликларни кўрасиз?

-- Ҳукуматимиз томонидан бизга берилаётган эътибор, яратилаётган шарт-шароитлар буюқ келажак яратишга қўйилаётган пойдевор десам,

муболаға бўлмас. Бироқ бугуннинг ёшлари имкониятлардан қандай фойдалана олапти? Мен бу билан бозор-ўчарда тирикчилик қилаётган дўстларимизга тош отиб, илм аҳлини кўкка кўтариш фикридан йироқман. Ҳар кимнинг ўз йўли бор деганларидек, бугун биз ҳар биримиз ўз соҳамизда моҳир бўлишга интилоғимиз лозим. Ҳар бир йигит-қиз қалбида аввало, миллий гурур ловуллаб турсин, ҳар бир инсон тўғри ва ҳалол бўлсин. Қалбида худди ана шундай фазилатлари мавжуд тенгқурларимизгагина келажакни ишониб топшириш мумкин.

БЕКТЕМИР СУҲБАТЛАШДИ

Ёш оилалар арзи

Улар ётоқхонасида аҳвол қандай?

Мамлакатимизда ёшлар турмушини фаровонлаштириш, уларнинг маънавий баркамол, жисмоний бакуват бўлиб етишишлари борасида кўп ишлар қилинапти. Лекин гуруч курмаксиз бўлмаганидек, ёшлар турмушини яхшилаш айрим ташкилот раҳбарларининг ҳаёлига ҳам келмаяпти.

"Тоштўқимаш" корхонасига тегишли пойтахтимиз қоқ марказида жойлашган 1-сонли ишчи ёшлар ётоқхонасида бўлди. Унинг ҳовлисида ҳатлаб, ичкарига кирганимизда, энг аввало худуддаги бесаранжомликка, ахлат уюмларига кўзимиз урганолмади. Ҳали буниси ҳолва, чунки унинг ичкарисида бундан ҳам аянчли манзара ҳукмрон экан. Остонада қоровулни кутдик. Ҳадеганда ҳеч ким кўринавермагач, ичкарига мўраладик. Лекин на ётоқхона мутасаддиларини ва на бошқа масъул шахсларни учратдик. Сунгра хоналарни тақиллатиб, ишчиларни суҳбатга тортдик. Мухбирлар келганлигини эшитган ёшлар атрофимизни ураб олди. Уларнинг ҳар бири ётоқхонадаги камчиликларни айтишга шошилди.

Тўрт қаватли бинонинг ҳар бир қаватида бир хилда кўримсизгина аҳвол. Ошхона деворларига охириги марта қачон буюк тек-

канлигини ҳеч ким билмайдди. Газ учоғида зангори олов беҳудага ёнапти. Идиш-товоқларни ювиш учун мўлжалланган сув жўмраги ишдан чиққан. Ошхона, ҳожатхона, ювиниш хоналаридаги ойнасиз деразалардан гириллаб шамол кириб турибди. 55-хонада ишчи Алфия Хузина яшаркан. Тўрт кўзли деразаси ромининг бирортасигаям ойна солилмагани сабабли у ерни одеял билан беркитишган. Уч ойдирки хонанинг чироғи ҳам ёнмаскан. Иситиш батареясига қўлингиз тегса музлайди. Яшовчилар бир амаллаб кун кўриш учун энергетика хавфсизлигига зид ҳолда қўлбола печка ёқиб утиришбди. Алфиянинг кўшниси Раъно Абдизованинг хонасида ҳам худди шундай манзарани кўрдик. Батарея қувурининг 3-4 та тешилган жойи амаллаб ёпиштириб қўйилган.

"Тоштўқимаш"нинг металларни эритиб куйиш ҳақида 10 йилдан бери ишлаб келаятган бу опа турмуш уртоғи ва фарзанди билан 16 кв.метр саҳли кичкинагина

хонада истиқомат қиларкан. Унинг ҳамкасблари корхонада 12 йилдан буён ишлаб келаятган Карима Қурбонова, Матлуба Турсунова, Ҳалима Абдуқундузова, Мўтабар Турсунова, Муҳаббат Юсупбоевалар оиласининг ҳам шу шароити яхшимас. Лекин шундай бўлса-да корхона ҳар ойда ижара ҳақи учун 600-1000 сўмдан пул ундириб олади. 2-3-4 қаватларда яшовчи эркаклар ҳожатхонаси эшигига қачонлардир қулф осилган. Полда оқиб ётган сувдан қулмак ҳосил бўлиб ётган томон ҳаммом экан. Уни ҳам эркаку аёллар талашгани-талашган. Чунки умумий-да.

Хуллас, 120 уринли ётоқхонада 40 нафаргина "Тоштўқимаш"нинг ишчилари истиқомат қилишларини аниқладик. Бошқа хоналарда турли идоралар ходимлари "шартнома" асосида яшашаётган эмиш.

Бизни кўпроқ корхона ишчилари турмуши қизиқтирди. Бу ерда истиқомат қилаётган ёш оилаларнинг деярли барчаси фарзандли. Беш-олти-лаб киши бир хонада яшаш-

га мажбур. Масалан, Хайринисо Йўлдошева 2 нафар фарзанди билан, тўнғичи 17 ёшда, Матлуба Суярова 13, 11, 8 ёшдаги болалари, Гуля Мусаева 2 нафар фарзанди билан.

"Тоштўқимаш" корхонаси раҳбарлари ўзларининг ишчи ходимлари қандай яшаётганидан хабардормикан?

Умуман айтганда, мазкур ётоқхонада маданий ҳордиқ чиқариш ва бошқа хизмат турлари учун шароит йўқ. Ётоқхонанинг махсус дам олиш зали, қандайдир фирмага офис сифатида ижарага берилган. Яна кимгадир сахийлик билан ётоқнинг пастки қаватидан сартарошхона учун жой ажратилган. Мазкур бино бошлиғи кексагина онахон Раиса Яковлевна Гутнах эса ўз ташвишлари билангина бандга ухшайди.

Хуллас, "Тоштўқимаш" корхонасининг ишчи ёшлар ётоқхонасида муаммолар кўп.

Сиртдан қараганда кўркам кўринган ётоқхонада бўлаётган ажабтовур ҳангомаларга мазкур бинодан 150-200 метр нарироқда бўлган, «Узмашсаноат» Ўзбекистон машинасозлик корхоналари уюшмасининг мутасадди раҳбарлари нима деркан?

Рўзибой АЗИМ, Низом НОРҚОБИЛ, Бахтиёр ШОҲИСМОИЛ, "Туркистон" мухбирлари

АМЕРИКАЛИК МУХЛИС

Ассалому длайкум, ҳурматли "Туркистон" таҳририяти!

Бу мактубни узоқ АҚШ пойтахти Вашингтондан йўллаяпман. Мен ўтган йилги Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватловчи "Умид" жамғармаси ўтказган танловда қатнашиб, АҚШ университетларида халқаро сиёсий ва ҳуқуқий муносабатлар мутахассислиги бўйича таълим олиш учун Ўзбекистон Республикаси Президенти гранти совриндори бўлдим. Ҳозирда АҚШ пойтахти Вашингтонда жойлашган Американи Университетида халқаро ҳуқуқ мутахассислиги бўйича магистратурада таълим олаяпман. Ўзим Фарғона Давлат Университети ҳуқуқшунослик куллийтини тамомлаганман.

Мен "Туркистон" газетасининг кўп йиллик мухлисман. Бу ерда ҳар ҳафта Ўзбекистон Энциклопедияси бориб газетангизни битта сонини қолдирмай олиб ўқийман. АҚШда туриб ҳам "Туркистон" орқали Ватанимда бўлаётган ўзгаришларни, ёшлар ҳаётини кузатиб борапман. Айниқса, Президентимизнинг Самарқанд ва Навоий вилоят кенгашлари навбатдан ташқари сессияларида сўзлаган нутқларидаги фикрлар мени ҳам тўлқинлантириб юборди. Йўл-бошчимиз умидни биз ёшлардан кураётганидан фахрландим. Узимга-ўзим юртимга чин фарзанд бўлиб қайтишим керак, деган мақсад қўйдим.

"Туркистон" муштарийлари учун чет эл ёшлари ҳаёти, АҚШдаги таълим тизими, университетдаги ўқиш жараёнлари ҳақидаги маълумотлар қизиқ бўлса керак. Албатта, кейинги хатларимда бу ердаги шарт-шароитлар ҳақида хабар ва мақолалар ёзиб юбораман.

Бутун халқимга салом билан "Туркистон"нинг АҚШлик мухлиси

Ихтиёр ТўРАБОЕВ, Вашингтон

СЕВИЛИШ БАХТИ

МЕН
ВАУ

Ботирнинг юрагига ишқ ошно бўлди. У тўққизинчи синфни битириш арафасида Фарангис исмли бир қизни яхши кўриб қолди. Қиз ҳам уни ниҳоятда яхши кўрарди. Уларнинг муҳаббати булоқ сувидек тиник, осмон каби мусаффо эди. Лекин Фарангиснинг ота-онаси, акалари бундан хабар топиб, уни анча койишди. Уларнинг оиласи бадавлат, доврўғи элга кетган эди...

Ботир 1952 йили Тошкент Давлат консерваториясининг вокал факультетига имтиҳон топшириб, муваффақиятли ўтди. Фарангис Москва Давлат университетининг филология факультетига ўқий бошлади. Уларнинг орасидаги элчи -- хат бўлди.

Кутилмаганда Ботирнинг ҳаётида оғир кунлар бошланди. 1955 йилда қаттиқ бетоб бўлиб, ТошМИнинг юқумли касалликлар клиникасига ётди. Аҳволи оғир, ранги заъфарон, чўпдай озиб кетганди. Уни шифокор Вали Маждидов узоқ даволади. Даволаш жараёни узоқ ва оғир кечди. Лекин Ботир руҳий тушкунликка тушмади. Унинг ҳаётга муҳаббати, иродаси кучли эди.

Ботир Зокиров операциялардан сўнг ҳам қўшиқ куйлади. Қийналди, изланди, йулидаги тўсиқларни енгиб, қайта-қайта куйлади, охири ўз қўшиғини топди. Лекин қанчалик куйиб-ёнмасин, кўзлари тўрт бўлиб ахтармасин, юрагига армон солган бахт юлдузини -- Фарангисни учратолмади. Бунга икки дил орасига тиканак булганлар тўғаноқ бўлишарди. Бир сафар Москвада концерт бераётганида уни залда томошабинлар орасида тасодифан кўриб қолди. Ушанда гастролнинг охириги кунлари эди. Кўриб қолди-ю, ўзини саҳнада бир зум йўқотди. Унинг кўзларига юлдуздан булак ҳеч ким, ҳеч нарса кўринмасди. Бахт юлдузи бўлса залнинг бешинчи қаторида ўтириб, сочлари елкаларига парижон, ўзини батамом унутган, фақат хонанданинг мунгли қалб фарёдини тингларди. Хонанда эса ундан кўзларини узмай, фақат у учунгина ёниб куйларди:

*Қайдасан, азизим, қаро кўзлим,
Севили юлдузим, ширин сўзлим,
Қўлимда сенга деб куйилган шароб
Кўзларим йўлингда, анор юзлим...*

Концертдан сўнг Фарангисни излади. Тополмади... бир неча марта унинг суратини чизишга уринди. Чизолмади. Яна қалбларни соғинчларга тўлдириб куйлади:

Қайдасан, азизим, қаро кўзлим...

... У қўшиқ куйлаётди, залга қаради. Қаради-ю, бир нуктага термулиб куйлайверди. Бу сафар ҳам унинг етолмаган юлдузи ўша қатор, ўша ўринда ўтириб, уни тингларди. Шалоладаги сочлари елкаларини тутган. Тимқора кўзлари қўшиқ сеҳридан ёнади. Вужуди қўлоқ бўлиб саҳнага айланган. Саҳнада эса сеvimли хонандаси олатдагидай бўғзида дард билан хониш қилиб, уни чорлаётди:

*Богимга ноз ила, ёр, кел,
Кувноқ овоз ила, ёр, кел,
Сеники бу чаман, бу гуллар,
Сеники куйлаган булбуллар
Куй ила, соз ила, кел.*



У ҳам учиб бормоқчи, лекин қанотлари йўқ, югуриб борай деса мадори етишмайди, жавоб қилай деса нафаси тикилиб қолаверади. Қўшиқ уни батамом сеҳрлаб ташлаган. Хонанданинг саволларига хаёлан жавоб беришдан ўзга чора йўқ.

"Соғ-омон бўзлаиб қайтидингми, қўшигим? Сени кўтавериб кўзларим йўқларингда сарғайди, қайта кўрартирилганман, деб шўрлик қалбим ана пора-пора бўлди. Қайдасан, қайлардасан жони жаҳоним -- қўшигим? Енгиз пластинкани ҳамини қалбим малҳамни. Уни шўрлик қалбим овозингни томирларимга найванд этдим. Лекин сени қайта кўраман, сени тинглаб ана кўроқларига сизмаган дарёдай бўлмаган деб сира-сира қўламагандим. Ҳозир оламда мендан бахтли, мендан бахтлиёр инсон йўқ. Чунки сенинг қўшиқларингни термулиб, нолаю афронларингни, дарду ҳасратларингни қайтадан томирларимга, қалбимга жо қилганман, қўшигим. Мен буён қайтадан дунёга келдим. Келиб ана сени кўрдим, фақат сени топдим, қўшигим!..."

Диллима гўзалим сен, ёр,

*Мен айтмай, гўзалим сен, ёр.
Сўзимиз порласин оташдай,
Ишқимиз яшнасин қўшдай,
Сеники бу чаман, бу гуллар,
Куй ила соз ила, ёр, кел..."*

Концерт тугаши билан Ботирни шифокорлар ўраб олишди. Бу сафар ҳам Уни кўролмади, дийдорига тўёлмади. Соғинч ҳисларини баён этмоқчи, мириқиб-мириқиб дардлашмоқчи эди. Бўлмади...

*"Салом, азизим, салом, бебаҳо қўшигим!
Менга етолмаганингдек, сенга ҳам етолмасам керак. Мақдур бизни шўрдай арабган экан. Ҳагара! Сенинг бетоблигингни эшитиб, касал бўлиб қолдим. Бошимни кўтаролсам, ҳузурингни қўшдек еламан. Ҳар соция пластинкани кўйиб, юрак-бағрим сел бўлиб эшитаман. Ҳозир ҳам ёниб "Мажнун ноҳолои" ни тиканак Мажнундек куйларман."*

...Аё ҳақими доно

Ҳар ҳукмда ҳоқиму тавоно!..

Дерлар манга: "Ишқни унутма,

Лайли ғамидин канора тутма!"

Аллоҳ-Аллоҳ, бу не сўз ўлғай,

Ул қавмга тангри уэр қўлғай.

Лайли ишқин танимда жои қил,

Лайли шавқин рангимда қои қил...

Оҳ, қанийди, қои бўлиб томирларимга оқиб орсам, нола бўлиб бўғзимда гарх ўрсам, малҳам бўлиб дардингни олсам? Армоним йўқ эди!..

Бир неча марта концертларинга кирдим. Сени кўрдим, овозингни эшитдим деҳунга эс-ҳушимдан ажралиб, дўшмни батамом унутманман. Мени ҳар гап концертдан ҳушсиз, қалбсиз олиб кетишади. Агар сен билан юзма-юз кўришсам, орашим ёрилиб кетади, деб кўрканман. Агар кўришолсам...

Ётар, сени томирларимга қўймай. Омон бўл. Соғайиб кетсанки, алаббатга кўришамиз. Мен бунага ишонаман. Биз ана қийдорлашамиз, қўшигим. Агар...

Сени соғинган Фарангис.

Ленинград шаҳри.

1985 йил 25 январь. Қиш. Совуқ. Қор ёғарди. Мактуб эса йўлда эди. На шиддатли поезд, на тезукар самолёт бу мактубни эгасига етказолмади. Уша кунги жигаргўшалари, дўстлари, қариндошлари ва хабар топган маданият, адабиёт ва санъат аҳли буюк санъаткор Ботир Зокиров билан видолашиб, уни ҳеч қачон мактуб етиб бормайдиган жойга -- сўнгги йўлга қузатаётган эди. Мотамсаро осмон унинг тобути устига тинимсиз қор эларди. Видолашаётган қалблар фарёдининг чеки йўқ эди...

Ашурали ЖҲРАЕВ

Бугун бу ҳусусда юзлаб фикрлар қўлоққа чалинади. Бинобарин, ҳар бир тақдирнинг ўз кўринишлари мавжуд. Ана шу кўринишлар -- бахт ва бахтсизлик ҳақида ўтган асрнинг буюк ёзувчиси Лев Толстой ҳақ: "Бахтли одамлар бир-бирига ўхшайди, аммо бахтсизлар эса ... ҳар бири ўзича бахтсиз". Бу фикрнинг ажралиш борасида қўлланилиши ҳар бир ажримнинг ўз сабаблари мавжудлиги билан уйғунлашади.

Оила ёшига етмасдан турмуш қуриш натижасидаги тушунмовчиликлар, қариндош-уруғдан қиз олганлиги учун ёки турли сабабларга кўра зурриёдсизлик, қайнона-келин муносабатларининг чиқишмаслиги ва ҳатто... оила мустақамлигининг андиша пардаси остидаги устун бўлган жинсий оламдаги қоникарсиз ҳаёт каби ҳодисалар бугунги ажралишларнинг умумий, кўп тарқалган сабабларидан эканлиги маълум. Бироқ...

...Икки ёшнинг турмуши дастлабки ойларида ён-атрофга ибрат бўла бошлайди. Бироқ орада фарзанд туғилгач, у ёшига етмасдан оила бузилди. Кечаги ширингина турмуш қураётганлар бугун бегонага айланади?

Буни гапириш нақадар оғирлиги ҳали кўрсатилмаган сабаб олдида ҳеч нарса эмас.

Бу ҳақда фуқаролик ҳолатларини қайд этиш идораси му-

дираси Гулнора Аҳмедова шундай дейди:

-- Бугун тараққиёт ҳақида суюниб гапирамузу, бироқ кўпчилигимиз ундан фойдаланиш маданиятини, уни тарғиб қилиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмаймиз.

Олдий видеотехниканинг бугунги ҳаётимизда тутатган ўрни муҳим бўлиб бормоқда. Бироқ хориждан ноқонуний йўл билан кириб келтирилаётган тарбияга салбий таъсир этувчи ҳар хил фашликлар ҳусусидаги фильмлар да бўлишмади. Бечора қиз қўшқелин тушираётганларида, бағрим тўлиб қолади, деб суюнган эди. Афсус...

Шундай қилиб, ажралишнинг сабабини билиш учун никоҳ ўйи мудираси Гулнора онадан бошқа ҳеч кимни ташвишга солмагудек эди. Аслида ҳам шундай бўлиб чиқди. Опанинг кўз ўнгида бир оила тўзиб кетаверсаю, бунга ҳеч ким эътибор бермас...

Орадан бир ҳафта ўтгач, маълум бўлдики, келин узоқроқ бир холастиникида уй юмушларига қарашиб юрган экан.

С.нинг онаси вафот этганига беш йилча бўлган, оилада ёлғиз қиз эди. Бахтга қарши, икки янгаси ҳам С.га яхши муносабат-

нарига ўтмайди, опа ташвишга тушиб қолади. Сабаби номаълум бўлиб қолаверди. Қиз қаерга боришни билмас на эриникига, на ўз уйига ҳам боришни хохламасди.

Орадан бир ҳафта ўтгач, маълум бўлдики, келин узоқроқ бир холастиникида уй юмушларига қарашиб юрган экан.

С.нинг онаси вафот этганига беш йилча бўлган, оилада ёлғиз қиз эди. Бахтга қарши, икки янгаси ҳам С.га яхши муносабат-

нарига ўтмайди, опа ташвишга тушиб қолади. Сабаби номаълум бўлиб қолаверди. Қиз қаерга боришни билмас на эриникига, на ўз уйига ҳам боришни хохламасди.

тақдирига анчагина бефарқ бўлиб чиқди. Куёв эса, ўз жуфти ҳақида "... шунақа экан" деб қўя қолди. Бир томони оиладаги лоқайдликдан, яна келиннинг бу "қилиғи" Гулнора опани ўртаб юборди. У энди С. билан очикроқ гаплашиб олиши керак эди!

-- Мен ҳам бу дунёнинг умидли бир қизи эдим. Нетайки, баъзи воқеалар менинг орзуимни сўндирди.

... Куёвингиз билан тўйдан олдин икки мартагина учрашганман.

БУНИ ҚАНДАЙ АЙТАЙ? ёки ажралишнинг ... "янги" сабаби

ҳақида қанча ёзилди, гапирилди. Аммо мутасадди ташкилотлар моҳиятга чуқурроқ кириб борди-ми? Яқинда бўлиб ўтган ажрим тўғрисидаги иши кўнглимни со-вутди.

Воқеа бундай бўлган эди. Никоҳ гувоҳномасини олганига икки ой ҳам бўлмаган келин ажрим тўғрисида ариза кўтариб келади. Буни кўрган никоҳ ўйи мудираси ёшларнинг бу "тегманозик"лигини айтиб, унга маслаҳат беради. Келин эса "Мен у уйга қайтиб бормаيمان" дейишдан

Шундай бўлса-да, олдин ҳаётимда йигит киши билан оила мавзусида гаплашмаганим боисидан бўлса керак, унга меҳрим уйғона бошлаганди.

Не-не ҳажрлардан сўнг, тўйимиз ҳам ўтди. Бир ҳафтача бахтиёр яшадим. Одатий кунларнинг бирида куёвингиз жуда қизиқ ҳолатда уйга келди. Ичкиликнинг ҳиди келмаса-да, бироқ маст эди...

Тўйимизнинг тасвирини кўрагимиз, деб қўшнимизнинг видеомагнитофонини олиб чиққан

эдик. Бир оз фурсат ўтгандан сўнг у қўлтиғидаги кассетани магнитофонга қўйди ва экранда... мен янги ҳинд киноларидан кўрар эканмиз-да, деб сеvimли қолавердим, экранда эса яланғоч одамлар қутургандек ... олишар эди.

Чикиб кетдим. Чой кўтариб кирганимда... не кўз билан кўрайки, эрим қип яланғоч эди. У ... мени ҳам экрандаги аёллар қилаётган қилиқларни такрорлашганини талаб қила бошлади. Олдин ҳазил деб уйлабман... кейин...

Экранда эса... нималар бўлаётганлигини мен сизга айтиб беролмайман...

Шундан сўнг ҳар кун, кун ора шу ҳол такрорланаверди. Уйдан чиқиб кетган куним... мен бундан қандай қилиб, кимга айта оламан?! Юқорида келтирилган воқеа гарчи тугалланмагандек туюлса-да, хулоса чиқариш унчалик қийин эмас.

-- Баъзи ёшлар орасида бундай бемаъқул одат нега пайдо бўлаётди? Бугун барча айбни видео тасвирларга қўйиб тўғри қилишимизми? Ёшларни оилага тайёрлашда нималарга эътибор беришимиз керак?

Ёш оилалар орасида бўлаётган ажримларнинг сабаблари нимада? Сиз қандай фикрдасиз?

Б.ПИРНАФАСОВ,
"Туркистон" муҳбири

Ушбу фожий мактубдаги сатрлар ҳар қандай қалбни ҳам ларзага солиши шак-шубҳасиз. Айниқса, охириги пайтларда ирсий касалликларнинг тури жуда ҳам кўпайиб кетаётган. Афсуски, бу хасталикларни даволаш ўта мушкул. Ирсият қонунларига 1865 йилда Григор Мендел, 1900 йилда эса Фриз, Карренс, Чермаклар асос солган деб ҳисобланади. Аслида эса, бундан ўн тўрт аср муқаддам нозил бўлган муқаддас "Курьони карим" да ирсий касалликларга мойилликни ўзида кўпроқ ифода этувчи қариндош-уруғ ўртасидаги никоҳга чек қўйишга йўналтирилган буйруқ -- сура "Одам генетикуси" фанига асос солган десак асло хато қилмаймиз. Бунга иймон келтириш мақсадида "Нисо" сурасининг 23-оятини таълиқ қилайлик:

"Бисмиллоҳир Раҳмонир Раҳийм! Сизлар учун оналарингиз, қизларингиз, ота-сингалларингиз, аммаларингиз, ҳолаларингиз, ака-укаларингизнинг қизлари, она-сингалларингизнинг қизлари, эмизган оналарингиз, эмизган ота-сингалларингиз, қайноналарингиз, жинсий муносабатда бўлган хотинларингизнинг тарбиянгизда бўлган қизлари (мана шу санаб ўтилган аёлларга ўйланган ҳаром қилинди) -- асар хотинларингиз билан жинсий муносабатда бўлмаган бўлсангиз (уларни талоқ қилгандан кейин аввалги эрларидан туғилган қизларга ўйландангиз) сизлар учун гуноҳ йўқдир. Яна ўз пушти камарингиздан бўлган ўғилларингизнинг хотинларига (ўғилларингиз) ҳамда ота-сингалларини жамлашларингиз (яъни, бирини талоқ қилмай туриб бошқасига ўйланишларингиз ҳаром қилинди). Мазар илгар итган бўлса (Аллоҳ авф этар) Албатта Аллоҳ мағфиратли ва меҳрибон бўлган зотдир".

Замонавий табобат фани ушбу асрга келиб, насл касалликлари билан шикастланиш хавфи яқин қариндошлар орасидаги никоҳда кескин кўпайиши ҳақида эндигина баралла овозда бонг урмоқда. Бугунги кунда юзлаб касалликлар ва шу дардларга мойиллик ҳолати наслдан-наслга ўтиши аниқланди. Аждодларимизнинг қудалар томонидан етти авлодини сўраб-суриштурувлари ҳам бежиз эмаслиги энди барчага маълум. Бугун қўллаб ривожланган мамлакатлар қатори юртимизда ҳам никоҳ қайд этиш бўлимларига ёшлар ариза топширишдан олдин тиббий қуриқдан ўтказилаётганлиги таҳсинга сазовор. Қариндош уруғлар орасидаги никоҳлар на-

"Ассалому алайкум муҳтарам "Чимилдиқ" ижодкорлари!

Нафисламбирини айтаман, яқинда мактаб кутубхонасидаги илова саҳифаларингизга кўзим тушиб қолди. Мутахассис шифокорларнинг ёшларга берган маслаҳатлари билан танишгач, сизларга ўз дардим ҳақида ёзишга жазм этдим. Зора, ёшларга сабоқ бўлса...

Университетни тугаллаб, ўз Зоминим бағрига қайтиб, ўқитувчи бўлиб ишлаш бошладим. Ота-онам тўй тадбирини бошлади. Қўшимчани, ашиқроғи амакимнинг катта қизининг буй етганлигини, қиз-мисан-қиз бўлганлигини кўп мактаиди. Табиатан қатъиятчи отам меннинг эътирозимга аҳамият ҳам бермай, тўй шаксиз бўлишини, қизга келган совчиларнинг барчасини ўзи қайтариб юборганлигини айтди.

Хуллас, тўй ҳам бўлиб ўтди. Қуришидан ўзимга ўхшаб кетадиган, кўпчилик ҳатто синглим деб ўйлайдиган Ноила билан турмуш қурганимизга ҳам чорак асрча вақт бўлди. Никоҳдан сўнг бир неча ҳафта қовуша олмаганлигимиз, бир-биримизга ака-синглидек муносабатда юрганлигимизнинг боиси ҳам

кейинчалик билсам, келгуси кўргуликлардан далолати экан. Даставвал, уч бора болаимиз ўлик ҳолда туғилди. Қанча қаратишлардан сўнг, тўнғич ўлимиз Эгамберди дунёга келди. Сўнгра икки қизлик ҳам бўлди. Ўғлимизни йиғирмага қадам кўяр қўймаз ўйлаб қўйдик. Аммо бир ярим йил ўтса-да келин ҳомиладор бўлавермагач, уларни Тошкентдаги "Никоҳ ва оила" бўлимига текширтиришга олиб бордим. Келин мушук соғлом экан, аммо ўғлимга "Клайнфелтер синдроми, Бепуштлиқ" таъхиси қўйилди. Генетик шифокор, бу касалликка биз юфил бандаларининг яқин қариндош билан, яъни амакимнинг қизига ўйланданлигим сабабчи эканлигини таъкидлади. Қолаверса, қизларимнинг бирида тўтқаноқ касаллиги борлигини ҳам ирсиятга боғлади.

Ёшларимиз, келажакда биздек пешонаси шўр бўлмастлиги учун саҳифаларингизда мутахассислар маслаҳатига кенгроқ ўрин беришларингизни ирсият бобоида фикр юритишларингизни сўрайдим!"

Муҳторкул ОЧИЛХОНОВ,
Жиззах вилояти, Зомин тумани



Устозимиз **КУДАМНАД КУРОД**, шифокор

НАСЛИНГ "АВЛИНГ"

озгинлик ҳамда қўл-оёқлар метёридан узунлиги кўзга ташланади. Сўнгра аёлларга хос сийна катталашуви, кўсалик, танносил аъзолари ривожланмаслиги ва семириш пайдо бўлади. Нисбатан ақли ожиз бу дардманлар фарзанд кўриш бахтидан бебахра бўлишади.

Шерешевский -- Тернер дарди -- қизларда учрайди. Дардманлар пакана, қўл-оёқлари калта бўлиб, кўкраги ўсмайди, ҳайз кўрмайди ва албатта туғмайди. Ақдан бироз заиф бу қизларда бўйин ён териларининг қанотсимон кенгайиши кузатилади.

Даун касаллигига дучор бўлган беморлар ҳар хил оилаларда туғилган ҳолда ҳам бир-бирларига эгизакдек ўхшаш бўлишади. Бош суякларининг шакли ўзгарган, қўзлари қийшиқ кесмали, кичик ялпоқ қулоқ, бармоқлари калта, жимжилоқлари қийшайган, тиллари катталашиб ва ёрилгансимон излар бўлади. Бемор болалар семиришга мойил, итоатгүй, ақдан заиф бўладилар ва қисқа умр кечирадилар.

Мушук чинғирғи дарди -- кўпроқ қиз чақалоқларда учрайди. Беморларда чала туғилиш белгилари билан биргаликда бош кичиклиги, бўйин қисқалиги, қулоқлар паст жойлашганлиги ҳамда қўл бармоқлари тўрттадан эканлиги кузатилади. Қиқилдоқ мушакларидаги ўзгаришлар боис, чақалоқ товуши мушук миёвлаши яъни чинғирғига ўхшаб кетади.

Юқорида хромосом касалликларнинг айрим турлари ҳақида

тўхталдик, холос. Энди эса кенг тарқалган насл хасталикларининг баъзилари хусусида қисқача маълумот берамиз.

Шизофрения (телбаворлик) -- касаллиги кўп учрайдиган оғир руҳий дард. Касалликда кучли бош оғриғи, ҳолсизлик, сержаҳлик, уйқу бузилиши каби белгилар бўлади. Беморларда мавжуд бўлмаган овозни эшитиш, йўқ ҳидларни сезиш пайдо бўлади. Фикрлаш бузилиши, пойинтар-сойинтар суҳбатлашиш, алаҳсираш каби оғир руҳий ҳолатлар ушбу дардда кўп учрайди.

Миопатия -- оғир насл касаллиги бўлиб, мушакларнинг қовжираб-ориклаб кетиши билан ифодланади. Мушкуллар қуриб кетиши боис беморлар ҳаракати бузилади. Чаноқ ва елка мушкуллари зарарланганлиги туфайли бемор икки томонга чайқалиб "ўрдак юриши" қилади. Ҳаракат сусайиши, тез чарчаш, кейинчалик ҳатто тик тура олмаслик, умуртқа қийшайиши, елкалар осилиб, кураклари гавдадан ажралиб қанотга ўхшаб туради. Етган жойидан туриш учун бемор қоринга тўнкарилгач, аввал қўллар билан ерга, сўнгра тиззага тиралиб, аста-секин буюмларга осилиб гавдасини тиклайди.

Гемофилия -- қон ивмаслиги, яъни, тўхтамаслиги касаллигида энгил шикастланишларда ҳам тери остига қон қўйилиб моматалоқлар пайдо бўлади. Бу дардга йўлиққанларда ҳатто бурун, тиш ва терининг озгина жароҳатида ҳам

қон тўхтамаслиги ҳаёт учун хавфлидир.

Наизм -- яъни, пакана бўйлик ҳам наслдан наслга ўтувчи скелет бузилиши натижасида пайдо бўлувчи ҳолат ҳисобланади. Буй 100-140 см бўлиб, қўл ва оёқлар ҳам калталиги кузатилади.

Қандли диабет -- хасталиги модалла алмашинуви бузилиши натижаси бўлиб, қонда қанд миқдори ошиб кетади. Касалликнинг кўп учрайдиган белгиларига тез-тез пешоб қилиш, кўп чанқаш, кўп овқат ейиш, озиб кетиш, тери ва оғиз қуруқлашиши ҳамда камқувватлилик киради. Дард ўз вақтида даволанилмаса, ички аъзоларда қўллаб оғир асоратлар пайдо бўлади.

Бод яъни подагра касаллигида -- қўл ва оёқ бўғимларининг шакли ўзгариб, оғриқлар пайдо бўлади ва ҳаракатланиш қийин кечади. Бу касаллик яллигланиш туфайли эмас, бўғимларда тузлар йиғилиб қолиши натижасида пайдо бўлиб, дастлаб қўл-оёқларнинг майда бўғимларини шикастлайди.

Генитингтон хареяси -- дарди 30 ёшларга келиб юзага чиқади ва асосан беихтиёр вужудга келувчи бетартиб ҳаракатлар билан ифодланади. Бемор ҳаяжонланса бу ҳаракатлар кўпайиб кетади ва сўзлаш қобилияти бузилади. Бу ҳолатлар юзни буриштириш, оғзини очиб, тилни чиқариб юриш, маънисиз имо-ишоралар қилиш ва қўл-оёқ ҳамда бошларни ҳар томонга иргитиб ташлаш каби бетартиб ҳаракатларда ифодланади. Беморлар аста-секинлик билан ақлий ва меҳнат қобилиятларини бутунлай йўқотадилар.

Фенилкетонурия -- оғир ирсий касаллик бўлиб, дардман болаларнинг деярли 90 фоизи оқсарик сочли, оқ бадан ва ҳаворанг кўзли бўлишади. Бемор чақалоқларнинг айримлари туғилган даврданоқ бўшанг, нозик, уйқучан бўлиб, товуш ва ўйинчоқларга бепарқидирлар. Касалликнинг дастлабки белгиси қусишдир. Уларнинг ҳис-туғусиз, тишлари кеч чиқиши ва кечроқ юра бошлалари кузатилади. Бу беморларда мушаклар тонуси ошиб кетганлиги боис, қўллар буқилиб, оёқлар йиғилиб қолаверади. Майда қадам ташлаб, қоқилиб, қийнаиб юрадилар ва келгусида тутқаноққа ҳам чалинадилар. Бугунги кунда хорихда ишлаб чиқарилаётган "Orbit" каби турли сақичлар касалликни кескин оғирлаштириши аниқланган.

Юқорида ирсий ва хромосом касалликларнинг айрим турлари ҳақида тўхталдик, холос. Табобатда икки ярим минг хил касалликлар наслга таъсир этиши аниқланган.

МУҲТАРАМ ЁШЛАР! БАЛОҒАТ ОСТОНАСИДАН ҲАТЛАБ УТИБ, НИКОҲ ҚОШОНА СИ САРИ ҚАДАМ ТАШЛАШ АРАФАСИДАГИ БЎЛҒУСИ КЕЛИН-КУЁВЛАР! ОДДИЙ ШИФОКОР СИФАТИДА СИЗЛАРГА БУ КАСАЛЛИКЛАРНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ МАСЛАҲАТЛАРГА ҚУЛОҚ ТУТИШИНГИЗНИ СЎРАЙДИМ.

1. Бўлгуси турмуш ўртоғингизнинг ота-онаси-ю, буви-буваларининг хасталикларини албатта суриштиринг, яъни аждодларимизнинг "етти авлодини суриштириш" ақида-сига амал қилинг.

2. Бир оилада икки ва ундан ортиқ фарзандларнинг бир хил дард билан оғирганлиги наслий касалликдан далолат бўлиши мумкинлигини унутманг.

3. Генларнинг мутациясига олиб келувчи кимёвий таъсиротлар, радиация, ичкиликбозлик, нашавадлик каби иллатлардан жуфтингизнинг ҳоли эканлиги муҳим аҳамиятга моликдир.

4. Ота-оналар яқин қариндош бўлган ҳолатда рецессив турдаги ирсий касалликлар бир неча авлоддан сўнг ҳам юзага чиқиши эҳтимоли бор. Аммо ирсий касалликларнинг айрим турларини даволаш мушкул бўлмаганлиги боис, барча хасталиклар ҳам никоҳга монелик туғдирмайди.



5. Турмуш қуришдан олдин албатта, "Никоҳ ва оила" бўлимлари ёки тиббий-генетик маслаҳатхоналардаги генетик врач кўригида бўлишингиз шарт. Шунингдек, никоҳ қуриш олдида тавсия этилгувчи тиббий кўриқдан расмиятчилик юзасидан эмас, жиддий тарзда икковлон ўтиш жойизлигини тўғри англаг. Зеро, сиз икки ёшнинг соғ-саломатлигингиз бўлгуси фарзанд сиҳати ва камолини белгилайди.

6. Гоҳида қариндош-уруғларнинг авлодлар борди-келдисини узмаслик учун қилаётган никоҳлари, аксинча, "тавқи лаънат" каби наслий касалликларга мойиллик туғдиришини ёш зукко инсон сифатида ота-онангизга англадинг. Зеро, муқаддас китобимиз "Курьони карим"да таъкидланганидек, беҳудага яқин қариндош-уруғлар никоҳлари ҳаром этилмаган, шаксиз Аллоҳ билгувчи зотдир!!!

Хар бир минтақа аҳолисининг ўзига хос шеvasи бўлади. Жумладан хоразмликларнинг ўғиз лаҳжасига мансуб шевалари бошқа вилоятдагиларникидан кескин фарқ қилади. Улар "турмушга чиқди", "оила қурди", "куёвга узатилди" каби сўзларнинг яна бир шаклдош синонимини ишлатадиларки, бу эса на қарлуқ, на қипчоқ лаҳжасида қўлланади.

Хоразмда қиз болани турмушга чиққани борасидаги гурунларга қулоқ тутсангиз:

-- Эшитдингизми, Хуршидани сотибдилар?

-- Ҳа, ўтган ҳафта сотилган у...

Инсониятнинг гули бўлмиш аёл зотига нисбатан бу сўзнинг қўлланиши катта

махр билан қалинни бир хил деб тушуниш хатодир. Қолаверса, махр келиннинг ота-онасига эмас, балки унинг ўзига берилиши зарур. Қиз узатётган кишилар "Мен боламни бир парча эт ҳолидан то камолотга етгунча едириб-ичириб тарбия қилсам-, уни текинга бировга қўш қўлаб топшираманми", деган беандиша хаёлда бўладилар. Улар ўйламайдиларки, шу йўл билан нафақат куёв томонга, балки ўз жигар, ғўшаси бўлмиш қизига ҳам қаттиқ қийинчиликлар, жабру жафолар етказилади. Мантиқсиз ва фойдасиз беҳуда чиқимлар туфайли келин келтирган хонадоннинг бир-икки йил ичида иқтисодий тақчилликдан қутулиб қаддини тиклаб олишига ким кафолат бера олади? Ҳамёни бўм-

"ХУРШИДАНИ СОТИБДИЛАР"

ҳақорат эканини билсак-да уни тилдан соқит қилолмаймиз. Аксига олиб оналарнинг ўзлари "Мен катта қизимни фалончининг ўғлига сотдим" деганини эшитиб қолсак, бу каби сўзлашув услубининг илдизи маънавиятдаги оғриқ нуқталардан бирига бориб тақалаётганини ҳис қиламиз. Агар бу оғриқ жиҳатларга жиддий эътибор қаратадиган бўлсак, қизнинг куёвга узатилмасдан, балки ҳақиқатдан ҳам соғилишининг гувоҳи бўламиз.

Воҳада тўй қилиб, келин тушириш пайида бўлган одамнинг жамғарган хазинасининг асосий қисми ҳар хил сарпо, совға-саломлардан ташқари қалин учун 50 минг (қизнинг ўқимишлигига ҳам қаралади) сарфланиши бугун сир бўлмаган ҳодисага айланган.

Агар айрим ёши улуглардан бу саволга жавоб беришларини сўрасак, азалдан динимизда уйланаётган киши келин учун махр бериши шартлиги қайд этилган дейишади. Аслида исломий ҳужжатлар --

"Ҳадиси шариф" ва "Мухтасар" каби битикларда махр масаласи адолат мезонида акс эттирилган. Бу каби китобларда қизнинг махри учун унча қиммат бўлмаган матоҳ, яъни бирон бир безак буюми ёки янги либос берилиши жойизлиги айтилади. Шу боисдан ҳам

бўш қолган оила тўқ-фаровон яшайди, дейсизми? Куни фақат нон ва чойга қараб қолган оилада гулдай келиннинг сўла бошлаши турган гап.

-- Яқинда бўлимимизга бир келинчақ ётқизилди, деб ҳикоя қилади таниш шифокорлардан бири. -- Қони камлигидан аҳволи анча оғирлашган. Қорнида ҳомиласи ҳам бор. Агар унинг шу ҳолатда кўзи ёриси, худо кўрсатмасин, уни асраб қолиш анча мушкул. Эри даволатмоқчи бўлган экан, қайнона-қайнотаси нақ 50 мингга қуртдай санаб олган отаси даволатсин, деб бир сўм ҳам бермабди.

Исломгача бўлган даврда баъзи нобакор отоналар қиз фарзанд туғилса ор билиб, уни тириклайин ерга кўмар эканлар. Бу каби ваҳший гайриинсоний одатларга дини ислом чек қўйган. Бироқ бугун ўз фарзандини арзимаган қалин пули эвазига маънавий изтироблар, азоб-уқубатларга кўмаётган баъзи ота-оналарнинг қилмишларига ачинасан, киши.

Эрпўлат БАХТ,
журналист




РАШК — ИЙМОНДАНДИР...

Қайси бир аёл уз эрини рози қилиб дунёдан ўтган бўлса, албатта жаннат аҳлидан бўлур.

Кимки гойибла бўлган кишининг хотинини йўлдан урса, Аллоҳ таоло қиёмат кунинда уни азоблашни катта бир илонга топширади.

Сизлар бировларнинг хотинларига қараманглар, сизларнинг хотинларингиз ҳам ифбатда бўлурлар. Оталарингиз ҳам ифбатда бўлурлар. Оталарингизга яхшилик қилинганлар, болаларингиз сизларга яхшилик қилинади.

Агар киши уз жуфти ҳалоллига жилмайиб (севиб) боқса, Аллоҳ таоло ҳам уларга раҳмат назари билан қарайди, агар қўлидан ушласа, гуноҳлари панжалари орасидан тукилади.



ТУШ ТАЪБИРИ

ОМ

Ҳазрати Дониш алайҳиссалом антибурларким, ҳар ким тушда ота минса, изъат-ҳурмат, давлат ва обрў топади. Агар отининг аёлларидан баъзи кимсалари кам бўлса, ушат миқдор обрўнига фўтур етгай. Агар отининг думи ёки ёни кўп бўлса, хизматкорлар ҳам кўп бўлган. Агар бўлмаса, оунинг акси. Агар ота яланғоч минса, масиятга (гуноҳкорликка) қолган. Агар яланғоч одам отдан бўлса, масиятдан қутулган. Агар оти сотса, изъат бўлган, е хотинидан жудо бўлган. Имом Жалффар Раҳматуллоҳ антибурларким, оти тушида қурни аллоҳдан хоти эмас:

1. Изъат.
2. Мартаба.
3. Хожатравонлик.
4. Қадри манзилот.
5. Хайр-баракот.

УЗУК

Ҳар ким тушида узукни курса, унга манфаатлар етгай ёки обрў унга узук берса, воқою ёки озурак амалларига мансуб бўлган. Туш кўрган киши савдогар бўлса, молдор бўлган. Агар тушида узукни нуқтае ёки угирлаеса у кишинга кулфат етган. Имом Жалффар Солиқ Раҳматуллоҳ антибурларким, узукни туш қурни 4 нарсаяга далолат қилган:

1. Салтанат.
2. Хотин.
3. Фаранд.
4. Мол-дунё.

Тилла узук яхшиликка далолат қилган.

ЁМТИР

Ҳазрати Дониш алайҳиссалом антибурларким, киши тушида ёмғир курса,

баракоту раҳмат бўлган. Аллоҳ таоло; агар ёмғир бир жонда қаттиқ ёгса, уша жонда ранжи беморлик етказган. Агар оқиста ёғиб турган бўлса, хайри манфават бўлган. Имом Жалффар Солиқ Раҳматуллоҳ антибурларким, тушда ёмғир қурни 8 нарсаяга далолат бўлган:

1. Раҳмат.
2. Баракот.
3. Яхши тилат.
4. Ранжи беморлик.
5. Оғир меҳнат.
6. Хору зорлик.
7. Қон тукмоқлик.
8. Қаҳатчилик.

КОР

Иби Спирин антибурларким, тушида қорни курса гаманлух етгай. Имом Жалффар Солиқ Раҳматуллоҳ антибурларким, тушида қорни курса, 6-нарсаяга далолат қилган:

1. Ризи-руи шедла, баракотлик.
2. Узук умр.
3. Молдорлик.
4. Кўп лашкар.
5. Беморлик.
6. Гам-андуҳ.

Агар ёт кунин тушига қор курса, ҳалол мол шедла бўлган.

ШАМОЛ

Ҳар ким тушида қаттиқ шамолни курса, ушат одамга андак хавф-хатар бўлган. Агар дарахтни ёғиб ийикитиб кетса, ушат одамларга кўп мусибат етган. Салак берсин.

Тушида киши шамол курса, 9-нарсаядан далолат қилдишлар:

1. Башорат.
2. Фармонравонлик.
3. Халотлик.
4. Марг (тусалдан улши).
5. Алоо.
6. Қил.
7. Беморлик.
8. Шифо.
9. Роҳат.

КАНАДАЛИК ҚАЧОН УЙЛАНАДИ

Курраи оламда турфа одатлар, анъаналар кўп. Ҳар бир халқнинг тўю тантаналарида ҳам ўзгача одумлар ҳужмрон.

Биз мамлакатимизда фаолият кўрсатётган канадалик иқтисодчи-журналист Эрик ВОЛЬБЕРГ билан суҳбатлашдик.

-- Эрик, Сизларда тўй қандай ўтади?

-- Тўғриси, жаҳоннинг жуда кўп халқлари тўйларида бўлганман. Торонто тўйи шарқ халқлариникига мутлақо ўхшамайди.

-- Яъни...

-- Биринчидан бизда тўйи дабдабали бўлмайди, ёш келин-куёв беш киши билан ҳам тўйларини ўтказишлари мумкин. Дастурхон жуда оддий безалади. Унда икки-уч хил ширинликлар, шампан, ликер ва шунга ўхшаш ичимликлар бўлса кифоя.

-- Тўй асосан қаерда ўтказилади?

-- Ўзига тўқ келин-куёвлар ресторанда, бирор қаҳвахонада ёки ўз уйида ўтказишади.

-- Тўйга энг кўпи билан қанча меҳмон чақирилади?

-- 80-100 киши агрофида. Лекин келин-куёвлар меҳмон чақиришдан олдин ҳисоб-китобини пухта ўйлашади. Масалан, куёв 20, келин 30 нафар меҳмон тақлиф қилмоқчи бўлса, марҳамат, шунга яраша ҳар иккаласи чақасини чиқарсин. Тақлиф қилинганлардан бирортаси тантанаяга келолмайдиган бўлса, олдиндан келин ёки куёвни оғохлантиради. Мезбон шунга яраша ҳаражат қилади.

-- Демак, ҳаражатлар тенг ўртада...

-- Албатта. Айрим ҳоллардагина ота-она вадўст-биродарлар ёрдам беришади. Канадаликлар бировга қарамликни ёқтирмайди. Ҳатто келин-куёвлар тўйдан кейин ҳам бир-бирини боқишни зиммаларига олмайди.

Мен 18-19 ёшимдаёқ ота-онамининг уйидан кетиб, алоҳида, ижарада яшаганман. Бу бир шаҳарнинг ўзида.

-- Ундай бўлса ота-



онанинг бурчи нимадан иборат?

-- Соғ-саломат вояга етказиш. Уйли-жойли бўлиш, уйланиш учун фарзанднинг ўзи елиб-югуриши, пул топиши керак.

-- Эрик, энди урф-одатларга ҳам тўхталсак.

-- Канада давлатининг туб аҳолиси асосан турли мамлакатлардан кўчиб келганлар ҳисобланади. Бу ҳолат айниқса, Торонто шаҳрида кучли. Шундай бўлгач, турли миллат, турфа урф-одатлар бор. Дини ҳам ҳар хил. Шундан бўлса керак, Торонтода икки хил динга сифинувчи оилаларни кўплаб учрата-сиз. Бизда келин-куёвлар тўйдан олдин камида 4-5 ой бир-бирлари билан бирга яшашлари шарт.

-- Оила кўпроқ кимнинг хоҳиш-истаги асосида қурилади?

-- Йигит билан қиз, қолаверса муҳаббат асосида. Ҳамма қайликни ўзи топади, албатта.

-- Улар неча ёшдан турмушга чиқишади?

-- Канадаликлар 30 ёшдан кейин бу ҳақда ўйлашади. Чунки улар бир кунлик ёки бир ойлик ҳузур-ҳаловатни эмас, балки умрининг кейинги даври қандай ўтиши хусусида кўпроқ қайгуради. Аввало, бирор касбнинг этагини тутишга интилади. Шахсий уй-жой, мулк эгаси бўлиш учун курашади. Бунга 18 ёшдан киришадилар.

-- Никоҳ қаерда ўқилади?

-- Черковда. Лекин расмий никоҳсиз яшовчиларга ҳам олатдаги ҳол сифатида қаралади. Ажралишлар кўп.

Суҳбатдош
Р.ҲАМИДОВ

"ЧИМИЛДИҚ" "ТУРКИСТОН" ГАЗЕТАСИНING ИЛОВАСИ

ШОБА ИЖОДКОРЛАРИ
ЛАЙЛО, БЕКТЕМИР,
ШАҲНОЗА

САҲИФАЛОВЧИ: БАХТИЁР

ХОРИЖДАН ХАБАРЛАР

Т Е Л - А В И В. Бир ой муқаддам истеъфога чиққан Исроил армияси штабнинг собиқ бош қўмондони Липкин Шахак шу йил 17 май кун муқаддатдан олдин ўтказилган Бош вазир лавозими сайловларига ўз номзодини қўйишни маълум қилди, деб хабар беради «Си-Эн-Эн» компанияси.

Хозирги кунга келиб Бош вазир курси учун курашувчи номзодларнинг сони ўн бир нафарга етди. Уларнинг орасида Исроил армиясининг икки собиқ қўмондони, яъни юқорида айтиб ўтилган Амнон Липкин Шахак ва ҳозирги пайтда Исроил либерал партиясига етакчилик қилаётган Эхуд Барак ҳам бор.

В А Ш И Н Г Т О Н. 1996 йили АҚШ ишчилари касабга уюшмаси мамлакатдаги автомобил мойи ишлаб чиқарувчи йирик компанияларидан бири «Тексако» /Техасо/ компаниясининг аёл ишчилари эркаларга нисбатан кам маош олганини аниқлаган эди.

Касабга уюшмаси икки йил шу масалани ўрганишга, компания ўзининг аёл ишчиларига 1,3 миллион доллар тўлаши керак, деган қарорга келди.

Компания вакиллари таъкидлашча, ҳозирги кунга қадар маош ўртасидаги тафовутнинг 900 минг доллари тўлаб бўлинган.

П А Р И Ж. Франция суди Куба президенти Фидел Кастроин иснониятга қарши жиноят содир этганида ҳамда наркотик моддаларни экспорт қилганида айбламда, деб хабар қилади «Си-Эн-Эн» телекомпанияси.

Франция суди вакили Серж Левичининг айтишича, судга кубалик бир аёл ва икки эркак мурожаат этиб, Фидел Кастрога қарши жиноий иш қўзғатиш талаб қилган. Маълум бўлишича, аёлининг отаси Кубада ҳарбий лавозимлардан бирида ишлаган ва қандайдир сабабларга кўра қатл этилган. Икки нафар эркак эса Куба қамқоқоналарида руҳий ва жисмоний қийноққа солинган.

Кузатувчиларнинг таъкидлашча, Фидел Кастроин иснониятга қарши жиноят содир этганида айблаш фойдасиз. Чунки у ҳозир давлат раҳбари ва шу боис уни жавобгарликка тортиш осон иш эмас. Бироқ гиёҳванд моддаларни экспорт қилишида унинг «қўли бор»лиги исботланса Кастроин жавобгарликка тортиш ушбу маънода мушкул бўлмастган турган гап.

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ЯНГИЛИКЛАРИ

БИШКЕК. Қирғизистоннинг Бишкек ва Ўш шаҳарларини бирлаштирувчи автомобил йўлини таъмирлаш билан боғлиқ ишларни Жанубий Кореянинг «Самсунг» компанияси ўз зиммасига олди.

Ушбу автомобил тармоғини таъмирлаш шу йил баҳоридан бошланади. Таъмирлаш ишлари 2002 йилга қадар давом этади.

О С Т О Н А. Россиядан Қозоғистон-тонга озиқ-овқат олиб ўтишни вақтинча чеклаш тўғрисида Қозоғистон-Россия ўртасида имзоланган битим 11 январдан эътиборан кучга киради.

Маълумки, Россия ҳукумати раиси Евгений Примаковнинг Остонага ташрифи чоғида шу масала кўтарилган эди. Россиядан кириб келаётган арзон маҳсулотлар Қозоғистоннинг ўрта ва майда бизнес корхоналарининг маҳсулотлари савдо-

сини сусайтиришининг олдини олиш мақсадида шундай келишувга эришилган эди.

ДУШАНБЕ. Тожикистон раҳбариятининг бугун бўлиб ўтган фавқулодда мажлисида 4 январь кун Москвадан Домодедово аэропортида «Душанбе-Москва» авиарейси йўловчисидан топилган 6,1 кг героин масаласи кўриб чиқилди, деб хабар беради РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси.

Тожикистон президенти Имомали Раҳмонов ҳуқуқ-тартибот идораларига ушбу ҳодисани чуқур текшириш ва мазкур авиарейс бағажини текширган ходимларни жавобгарликка тортишни буюрди.

Президент мазкур ҳодисани баҳолар экан, «Бу республика учун шармандалик» деб айтди.



Б О Н Н. Эроннинг сиёсатчиларидан бири риян Германия ҳукуматидан Германия оммавий ахборот воситалари тарқатган хабарга қараганда, ўтган йилнинг 11 декабр кун Эрон парламенти фавқулодда қўмитасининг сиёсий маслаҳатчиси Мухаммад Жаъфар Америан сиёсий бошбана излаб Германияга келган. Айрим хабарларга қараганда, у Германия ҳукумати Эрондаги 179 нафар таниқли мухолифатчининг рўйхатини берган.

В А Ш И Н Г Т О Н. Бу ерда Иордания подшоҳи Хусайн билан АҚШ президенти Билл Клинтон ва давлат котиби Малден Олбрайт ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Яқин Шарқдаги вазият билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.

Маълумки, айни пайтда Иордания раҳбари Американинг Миннесота штатидаги онкология клиникасида ўз соғлигини тикламоқда. Жорий йилнинг январ ойи ўрталарида у ўз ватанига қайтади.

П Е К И Н. Европа Иттифоқи билан савдо-иқтисодий алоқалар Хитойга катта фойда келтираётган. Шунинг учун Хитой ЕИ билан ХХ1 асрда ҳам бу соҳадаги ҳамкорликни ҳар томонлама кенгайтириш ниятида. ХХР ташқи савдо ва ташқи иқтисодий ҳамкорлик вазирлиги вакили Чжэнь Чжикай шундай деди.

Ўтган йилнинг ўн бир ойида ХХР билан ЕИ ўртасидаги икки томонлама савдо айланмаси ҳажми 42,32 миллиард АҚШ долларини ташкил қилди. Бу кўрсаткич 1997 йилдаги нисбатан 13,9 фоиз кўдир.

ЖАҲОН ВОҚЕАЛАРИ

Б У Э Н О С - А Й Р Е С. Буюк Британия тахтининг вориси шаҳзода Чарлз шу йил март ойида Аргентинага келади. Бу ҳақда Аргентина президенти Карлос Менем хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари билан бўлиб ўтган учрашувда баёнот берди. Мазкур ташриф Малвин ороллари мустақиллиги ҳақидаги баҳсли мунозарага ойдинлик киритиш учун икки томонлама муносабатлар ривожига сезиларли туртки беради, деди К.Менем.

Ўтган йилнинг октябр ойида Аргентина президенти Малвин /Фолкленд/ ороллари учун бўлган қуролли можародан сўнг 16 йил ўтгач, илк бор Буюк Британияга ташриф буюрган эди. Бироқ ушанда бўлиб ўтган икки томонлама музокаралар чоғида ороллар хусусида бир тўхтамга келинмаган эди.

В А Ш И Н Г Т О Н. АҚШ расмий доиралари Эрон ҳукуматининг мамлакатдаги бир қанча таниқли сиёсий дисидентлар ўлимида айбдор бўлган маъносиз хизмат вакиллари қамқоққа олиш тўғрисидаги қарорини қўллаб-қувватлади. Маълумки, ўтган йилнинг охирида Техронда либерал мухолифат вакиллари беш нафар суҳбисиз қатл қилинган эди. Ушанда АҚШ маъмурияти Эрон ҳукуматига мазкур воқеа юзасидан текширув ўтказишни сураб мурожаат қилганди.

АҚШ давлат департаменти вакили Жеймс Рубиннинг айтишича, Эрон ҳукуматининг мамлакатда қонун муқаддаслигини сақлаш йўлидаги бундай ижобий қадами эронликларнинг ўз фикрларини очиқчасига баён қилиш имкониятини беради.

М Е Х И К О. Панама президенти Эрнесто Перес Бальядарес Панама канал мамлакат назоратига ўтгач, унинг хусусийлаштирилиши ҳақидаги хабарни рад этди. Маълумки, Панама канали 1999 йилнинг 31 декабридан эътиборан Панама ҳукумати назоратига ўтиши керак. Бу муқаддатга мазкур ҳудудда жойлашган АҚШ ҳарбий базалари йўқ қилиниши ва америкалик ҳарбийлар уни тарқ этиши лозим.

Э.Бальядареснинг таъкидлашча, мазкур муҳим аҳамиятга молик бўлган объект давлат мулки ҳисобланади. Панама канали барча панамаликларга тегишлидир, деди у.

ЎЗА

(Давоми. Аввали ўтган сонларда)

Ушандан кейин орадан унча кўп вақт ўтмади. Бир кун кечки пайт уйимизга Дониқ кириб келди. Ҳар қачонгидек башанг кийинган. Ширакайф.

Аям билан ҳам, мен билан ҳам кучоқлашиб, упишиб кўришди. "Менинг Хуршидам! Бугун дунёни ёритиб, чарогон қилиб турган Хуршидам!" деб эркалади аямни. "Менинг Тахминочка! Бу оламда энг гўзал, энг асал Тахминочка! Принцесса мира сего!" деб мени эркалади. Кейин чўнтагидан битта олтин билагузук ва тасмаси ҳам, ўзи ҳам олтиндан ишланган аёллар соатчасини чиқарди. Билагузукни аямга, соатчани менга ҳадя этиб, ўзи бирма-бир тақиб қўйди.

-- Вой, қандай яхши! Бу совғалар қайси муносабат билан?! -- дейди аям қувониб-яшнаб.

-- Узумини энг-у, боғини суриштирманг. Мистер Донининг совғалари ҳеч вақт муносабат қидирмайди!

Аям иккаламиз унинг юзидан упиб, миннатдорчилик билдирдик. Кейин "обмойка" сига бир рюмкадан коньяк ичилгач, Дониқ:

-- Энди гап бундай, -- деди аямга. -- Сиз ҳозир сродно пардоз-андозингизни қилинг. Ташқарида Мелиқўзи кутиб турипти. Икковларинг Исфарага жунайсишлар.

Муқимжонниқига бориб, бу кеча ўша ерда дам оласизлар-да, эртага эрталаб яна изларингизга қайтасизлар.

-- Мен сизни тушунмапман, -- дейди аям унга ҳайрон боқиб. -- Исфарага фақат ётиб келиш учун борамизми?

-- Спокойно, милая. Бердисиини айтгунча худойисини эшитиб туринг, -- Дониқ кўйлақ чўнтагидан муҳрланган битта конверт чиқарди. -- Мана шуни шахсан Муқимжоннинг қўлига ўзингиз топширасиз. Кейин манавини ҳам... -- у энди шимининг орқа чўнтагидан

қадокланган бир даста доллар чиқарди. -- Айтиладиган ҳамма гаплар конвертда. Лекин хатдан ҳам, пулдан ҳам "аканг қоқиндик" беҳабар. Сизиб қолмасин. Нима иш экан, деб гап кавлагудек бўлса, фирмамиз билан олди-берди масаласи, дейсиз.

Шундан кейин аям шошилинч тарзда йўлга ҳозирланаркан, мендан сўради:

-- Узинг ёлғиз кўркмайсанми, Тахмина?

-- Нимадан кўрқай, биринчи сафар эмаску ахир...

-- Кўркмайди. Ёш бола эмас. Хотиржам бориб келаверинг, гапга қўшилди Дониқ.

-- Мен ҳам ҳозир сиздан кейин таски чакиртираман. Мелиқўзининг машинасида келувдим.

-- Ундай бўлса, бирга юраверинг. Биз сизни ташлаб ўтиб кетсакчи? -- дейди аям очик кўнгиллик билан.

-- Йўқ. Йўлимиз тескари. Мен ҳозир Кувасой томонга кетаман. Кокилонда тўй бор.

-- Бўпти. Яхши қолинглар, -- аям пул билан конвертни стол устидан олиб қўлидаги сумкачасига соларкан, Дониқ уни тўхтатди:

-- Бундай эмас, хоним, бундай эмас, -- у шундай дея пулниям, конвертниям ўзи қўлига олиб, менинг кўз олдимда аямнинг... кўкракларига яхшилаб жойлаб қўйди. Унинг бу қилигидан, аямнинг эса, "вой, қитғим келяпти" деб ҳиринг-ҳиринг кулишидан, рости гап, гашим келди, лекин сездирмадим.

Аям уйдан чиқиб кетар пайти, мен унга совуққина: "Калитингизни олволдинг. Эрталаб шаҳар-пахарга чиқиб кетгудек бўлсам, уйга киролмай ўтирманг" деб қўйдим. "Калитим сумкамда, -- деди аям. -- Биз ҳам вақтлуроқ қайтишга ҳаракат қиламиз. Эшикни қўлфлаб олишни унутма. Ҳеч қандай кўнгирик-пўнгирикча оча кўрма".

Худди ўзим кутгандек бўлди. Аям чиқиб кетиши биланоқ, Дониқ мени ўз оғушига тортиди.

Уша кеча у мени бир вақтга тинч қўймади. Икки-уч марталаб столга ўлтириб, коньяк ичдик, таммади қилдик, музика қўйиб, танцага тушдик. Билмадим, соат уч-тўртлар эдимкин, ётиб, тошдек қотиб ухлаб қолибмиз. Яхшиямки, ҳар кун эрталаба уйимиз-нинг олдида суғ сотадиغان машина келиб узундан-узоқ сигнал чалади. Ана ўшангача ухлаб ётаверибмиз.

Шоша-пиша ўринимиздан турдик. Дониқ апил-тапил ювиниб-кийиниб, мен билан хайрлашди. Уни эндигина кузатмоқчи бўлувдимки, иккаламиз ҳам бир нарсдан ҳайратга тушиб, турган жойимизда туриб қолдик: уй эшиги қўлфланмаган, қия очик турарди!

-- Эшикни қўлфловдингни ўзи? -- саросималик билан сўрайди Дониқ.

-- Муқимжоннинг чоғи. Яна ким биларди, дейсиз...

Уй ичидаги анжомларга бирма-бир қараб қўямиз, ҳамма нарса ўз жойида. Дониқ ҳеч нимани тушунолмади елка

қисди, кейин нимагадир қўл силтаб чиқиб кетади. Мен ҳам ҳайронлигимча қолавераман. Демак, эшик очик қолган экан, деган уйга бораман.

Кейинроқ, анча кейинроқ Мелиқўзидан билишимча, улар эрта тонгдаёқ сафардан қайтишган экан. "Исфарада ётиб қолмадик. Муқимжон сахар соат олтида Душанбага учиб кетиши керак экан. Шунинг учун ҳам ярим соатча ўтириб-ўтирмай орқамизга қайтавердик. Мен ҳам уйимдан илҳақ эдим, хотиним кўзи ёрийдиган бўлиб туривди..." -- деди Мелиқўзи.

Демак у аямни уйимизнинг олдида ташлаб ўтиб кетган. Аям мени безовта қилмаслик ниятида эшикни оҳиста очиб кириб, ётоққа ўтган. Кўрасаки, биз... қип-яланғоч ҳолда тарашадек қотиб ётибмиз. Билмадим, аям ўшанда қандай аҳволга тушган билолмадим, ҳар ҳолда индамай қайтиб чиқиб кетган. Эшик ҳам очиклигича қолаверган...

Аям менга ҳеч нимани сездирмади. "Яхши бориб келдингларми?" деб сўрасам, "Ҳа" деб кўя қолди. Мен ҳам ўзимча унга ҳеч нарсани сездирмасликка ҳаракат қилдим.

Аям ўша кунлари батамом ўзгариб кетди. Жудаям камгап, гамгин бўлиб қолди. Кўзлари киртайган, ранг-рўйи бир аҳволда... Уша воқеа рўй берган куннинг ўзидаёқ мен унинг сочларига оқ оралаб қолганини кўриб кўрқиб кетдим.

-- Нима бўлди, сизга, аяжон?! Со-чларингиз оқариб қолипти!

Аям бу нарсадан мутлақо ажабланмади.

-- Ўзим шундай... -- гамгина жавоб берди у. -- Бир кун келиб, сеникиям оқариб қолса, ана ўшанда тушунарсан...

Уйимизга Сурайё келиб, аямнинг аҳволи ва авзойидан у ҳам ҳайратга тушди.

-- Сенга нима бўлди, Хуршида? Намунча хароб бўлиб кетибсан? Касал-палас эмасмисан?

(Давоми бор)

СОЛИҚ ҚАҲҚОР
ДАЙДИ
ҚИЗНИНГ
ДАФТАРИ
(Қиссадан парча)



(Давоми бор)

БОКС Ёш спорт устаси

Гулистон шаҳрида бўлиб ўтган бокс бўйича ўсмирлар ўртасидаги Ўзбекистон биринчилиги Навоий шаҳар халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ўқувчиси Ильдор Сероглазовга катта ғалаба келтирди. Ёш боксчи мамлакатимизнинг барча вилоятларидан келган 159 нафар энг кучли, умидли спортчилар ўртасида 54 к-

лограммага бўлган вазн тоифасида голиб чиқди. У ўзининг тўрт рақибни устидан тўла устунликка эришди. Фарғоналик рақибини эса ноқдаунга учратди.

Республика биринчилигидаги бу ғалаба учун Ильдор Ўзбекистон спорт устаси унвонига сазовор бўлди.

**Ёркул Умар,
ЎЗА мухбири,
Навоий вилояти**

ҲАМАЛ. Душанбада соғлиқ учун қайғуринг. Сешанба кунини ҳаминингиз тўлади. Чоршанба кунини ҳаминингиз тўлади. Пайшанбадаги хариддан кўнглингни тўлади. Жумада алданишингиз мумкин. Шанбада хушхабар. Якшанбада севилингни учратасиз.

САВР. Сешанбада бозор қилинг. Чоршанба кунини ҳаминингиз тўлади. Пайшанбада алданиб қолманг. Жума зиддиятли ўтади. Шанбада ҳамкорлар билан учрашасиз. Якшанбада соғлигингизни ўйланг.

ЖАВЗО. Душанбада севишганлар учрашувини кутинг. Сешанба молиявий ишлар учун қўлай. Чоршанба яхши, пайшанба зиддиятли кун. Жумада кўча-кўйда эҳтиёт бўлиб юринг. Шанбада алданиб қолманг. Якшанбада соғлигингиз учун қайғуринг.

САРАТОН. Ҳафта бошида сиз кутган учрашув. Сешанба кунини хурсанд бўласиз. Чоршанбада ҳаммага

**ЎЗДУЗЛАР САМУДАН
СЎЗЛАЙДИ**
(11 январдан - 17 январгача)



ТАРТИБСИЗЛИККА БУРЖИНГИЗ САБАБ

Ҳайдовчилик гувоҳномасиз бўла туриб йўл ҳаракати қоидаларини кўп бузишингиз эътиборсизлигингиз ёки паршонхотирлигингизгагина эмас, балки қайси бурж остида туғилганлигингизга ҳам боғлиқдир.

Аниқланишича, ДАН ходимларига энг кўп жарима тўловчилар Савр буржида туғилганлар экан. Ҳаммадан тартибли эса Ақраблар ҳисобланади.

Сиз ўзингизнинг ҳайдовчилик маҳоратингизни қуйидаги рақамлардан ҳам билиб олишингиз мумкин.

Кўпинча йўл ҳаракати қоидаларининг бузилишига 9,76 фоиз савр, 9,03% -- жавзо, 8,76% -- сумбула, 8,54% -- ҳамал, 8,48% -- саратон, 8,43% -- хут,

8,21% -- жадъ, 8,17% -- мезон, 8,12% -- далъ, 7,85% -- асад, 7,34% -- қавс, 7,11% -- ақраб буржи остида туғилганлар сабабчи бўларкан.

ИККИНЧИ ОДАМ РУЛДА

Европада энг кўп машина қатнови бўйича Италия биринчи ўринда тураркан. Ҳисоб-китобларга қараганда ҳар 1000 италияликнинг 522 нафари шахсий машина эгаси. Иккинчи ўринни эса 450 машинаси билан Австрия, учинчи ўрин 444 сони билан Германияликларга насиб этади. Энг бечораси эса Греция бўлиб, 1000 кишининг 119 нафаридоғина шахсий улов бор.

ҲАР КИМ ЖАҲО ҚИЛСА...

Янги йилни кўпчилигимиз хушқайфиятда кўтиб олганимизга шак-шубҳа йўқ. Лекин Сирдарё вилоятининг Боёвут туманида яшовчи Эшонқуловлар оиласига байрам таътимида. Негаки, оғир мудир бўлиб ишловчи Б.Эшонқулов уйига келмади. Қидир-қидир бошланди. Ички ишлар ходимларининг тезкор тадбирларидан сўнг орадан тўрт кун ўтгач, унинг кўкрагидан пичоқланган жасади 5-лицей ҳудудидаги кўмирхонадан топилди. Воқеа ўзаро жанжал оқибатида рўй берган. Қотил 34 ёшли Т.И. эканлиги аниқланиб, ҳозирда тергов ҳаракатларини прокуратура ходимлари олиб бормоқда.

"ДАКАНХУРОЗЛАР"

Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманидаги Гулистон жамоа ҳўжалигида яшовчи икки тенгдош кўшни И.Ф. ва М.Э. ўртасида нимадандир келишмовчилик чиқдию, бири иккинчисининг белига пичоқ санчиб олди. Ўзаро жанжалдан сўнг "даканхўрозлар"нинг бири касалхонага, иккинчиси мелисахонага жўнатилди.

ИИВ Матбуот маркази хабар беради

ҚОРОНҒИ КЎЧАГА КИРИБ ҚОЛГАНЛАР

Шу туманининг Султонобод ҳўжалигидаги бугдойзордан Қуйичирчиқ тумани Қўрғонча қўрғонинда яшовчи Э.Жўраевнинг баданига бир неча марта пичоқ урилган жасади кўмилган ҳолда топилган эди. Тезкор тарзда олиб борилган тадбирлардан сўнг қотиллар ҳам аниқланди. Не ажабки, Жўраевни ўлдириб, унинг жасадини кўмиб ташлаган тенгдошлари 1976 йилда туғилган Б.А. ва Ф.Т.лар бўлиб чиқди. Тергов ҳаракатлари давом этмоқда.

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ

Хоразмлик М.Р. Хонқа туманида шубҳали ҳаракатлари билан сергак милиционерлар эътиборини тортди. Тинтув натижасида туман пахта тозалаш заводида қоровул бўлиб ишлайдиган бу шахсдан 969 грамм "опий" топилди.

КЕЧКИ "МУСОДАРА"ЧИЛАР

Термиз шаҳрида яшовчи А.Абдуллаевнинг уйига ярим тунда ўғри тушди. Уй эгасига икки ёш "барзанги" пичоқ ўқталади. Мусиқа маркази, телевизор, икки дона чарм куртка, 5000 сўмни ҳамда рангли металлдан тайёрланган ҳар хил тақинчоқларни "мусодара" қилишди. Жабранувчи "02"га хабар бергач, милиция ходимлари қароқчиларни қўлга олишди. "Мусодара"чилар Қарши шаҳарлик 1973 йилда туғилган М.У., Ф.Х.лар бўлиб чиқди.

Низом НОРҚОБИЛ тайёрлади



ҳам ишонаверманг. Пайшанба саломатлик ҳақида ўйланг. Харидларни жума кунини қилганингни маъқул. Шанбада дам олинг. Якшанбада ишлар яхши эмас.

АСАД. Душанбада ҳаминингиз тўлади. Сешанба кунини ишлар о'кей. Чоршанбада асабийлашманг. Пайшанба кунини ҳафа бўлишингиз мумкин. Шанбада яхши дам, сизга ҳамдам. Якшанба ижодкорлар кунини.

СУНБУЛА. Душанбада ишлар юришади. Сешанбада хушхабар кутинг. Чоршанбада севишганлар учрашади. Пайшанба кунини кўнглили харид. Жумада ишхонада келишмовчилик бўлиши мумкин. Шанбада қавағингиздан қор ёғади. Якшанбада бойлик эгаси бўласиз.

МЕЗОН. Душанбада ишлар яхши. Сешанба кунини молиявий юмушларингиз бароридан келади. Чоршанбада хурсанд бўласиз. Пайшанбада кутилмаган учрашув. Жума соғлиқ учун қайғуринг. Шанбада яхши дам оласиз. Якшанбада кўнглили харид.

АҚРАБ. Ижодкорлар душанба кунини хурсанд бўлишади. Сешанба кувонасиз. Чоршанба ва пайшанбада молиявий ишларингиз бароридан келади. Жумада алданиб қолманг. Шанбадан кўнглироқ кутинг. Якшанбада яхши дам.

ҚАВС. Ҳафта боши хушхабар эшитасиз. Сешанбада пулингиз кўнади. Чоршанба дўстлар даврасида ўтади. Пайшанба кунини асабийлашманг. Жума ва якшанба самарали ижод. Шанбадан кўнглингни тўлади.

ЖАДЪЙ. Душанба кунини сизни сўроқлашади. Сешанба зиддиятли кун. Чоршанбадаги хариддан кўнглингни тўлади. Пайшанбада ишлар яхши эмас. Жума кунини қувонасиз. Шанба мириқиб дам олинг. Якшанба кунини сирли учрашув.

ДАЛЪ. Душанба ва сешанба кунлари хушхабар кутинг. Чоршанбада ҳаминингиз тўлади. Пайшанба кўндан кутганингни билан учрашасиз. Жума кунини муҳим ишларга қўл урманг. Шанбагача касаллик олдини олинг.

ХУТ. Ҳафтанинги биринчи ва иккинчи кунлари янгилик эшитасиз. Чоршанбада қувонасиз. Пайшанбада бойсиз. Жума кунини хурсанд бўласиз. Зиддиятли ўтган шанбадан сўнг соғлиқ учун қайғуришига тўғри келади.

ЖАҒИ ТИНМАГАН ОДАМ

Сақич чайнамоқни ўзига эрмак қилиб олган Кэти Ашлер АҚШнинг Вашингтон штатида истиқомат қилади. Унинг бир ой мобайнида чайнаган сақичлари

Британия)да истиқомат қилувчи руҳоний Кен Оуэн машҳур бўлишнинг ўзига хос йўлини танлади. У роппа-роса 300 соат мобайнида ҳаммаёғи мих қароват қилади. Унинг бир ой мобайнида чайнаган сақичлари кирди.

қоғозидан ясалган "занжир" 1819 метрни ташкил этган.

БЕ-КОРЧИ-ПАР ЭРМАҒИ

Калифорния штатидаги Фуллертон шаҳри ўсмирлари буш қолди дегунча қайси русумдаги энгил машинага кўпроқ одам сифшини аниқлаш билан машғул бўлишаркан.

Яқинда "Фолксваген" машинасига 31 киши тиқилишиб ўтириб, рекорд қўйган.

МИХ УСТИДА 300 СОАТ

Понтиприт (Буюк

ХАВФЛИ ЧУМОЛ-ИЧАЛ-АР

Африкада яшовчи майда чумоллар -- термит-

ларга ҳеч нарса дош беролмайди. Улар ўтланларни, дов-даракларни, ёғоч уйлари, машиналарнинг ёғочдан ясалган кузовларини ҳам кемириб ташлайдилар.

Бир кун бу очофатлар чет эллик овчилардан бирининг милтиғи қўндоғини кемириб, бир ҳовуч қипиққа айлантиришган.

Баҳодир ЭҒАМОВ тайёрлади

ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ

Олинган маълумотларга қараганда, келгуси ҳафтада билим зоргоҳларида ҳаво узғариб туради. Турли идоралардан кунига 50-60 талар чамаси комиссия келади. Текширувчилар сони ҳафта ўртасида 100 кишилар атрофида бўлади. Баъзи "ёғли" факультетларида амал кўчиш эҳтимоли бор. Кимларгадир тинимсиз отилаётган кесаклар тошга айланади.

Бу ҳафтада ҳаво узғариб турса-да, ўқув юртларида ёғийгарчилик (ёғингарчилик) бўлмайди.

**Хуршид РЎЗИЕВ,
толиби**

Муассис:
**ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИНИНГ
«КАМОПОТ» ЖАМҒАРМАСИ**

**Бош муҳаррир
Абдуқодир НИЁЗОВ**
Навбатчи муҳаррир:
Низом НОРҚОБИЛОВ

ТАҲРИРИЯТ:
Бош муҳаррир — 133-89-61
Ўқувхона — 136-56-54
Хатлар бўлими — 133-79-69

МАНЗИЛИМИЗ:
700033 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-й
Таҳририят жўриланган материаллар қайтарилабди.
Муваффақият билан таҳририят кўчаси назардан
форсланиши мумкин.